

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

# Turkiston

1925-yildan chiqqan  
boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati  
Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 23-iyul, chorshanba  
№ 58 (15800)



Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг  
ҚАРОРИ

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Стоматология соҳасидаги юқори малакали тиббиёт кадрларини халқаро талаблар ва стандартлар даражасида тайёрлашни янада такомиллаштириш, таълим жараёнини ташкил қилишнинг замонавий талабларига мос келадиган ўқув ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, илғор ахборот-коммуникация ва таълим технологияларини жорий этиш, бўлғуси стоматолог мутахассисларнинг назарий тайёргарлигини улар ўрганаётган амалий кўникмалар билан чамбарчас боғлаган ҳолда олиб борилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг:

Тошкент тиббиёт академиясининг стоматология факультети негизида Тошкент давлат стоматология институтини ташкил этиш;

Андижон, Бухоро ва Самарқанд тиббиёт институтларининг стоматология факультетлари, Тошкент педиатрия институти Нукус филиалининг стоматология факультети негизида Тошкент давлат стоматология институтининг республика минтақаларидаги филиалларини ташкил этиш;

Тошкент давлат стоматология институти ҳузурида Стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги илмий-амалий марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Тошкент давлат стоматология институти фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин;

замонавий талабларга мос келадиган ва ҳозирги замон стоматологиясининг илғор технологияларини эгаллаган стоматология соҳасининг юқори малакали тиббиёт кадрлари ва илмий мутахассисларини тайёрлаш;

стоматология, юз-жағ жарроҳлиги соҳаси ва бошқа йўналишларда, жумладан, биотехнологиялар, хужайра ва регенератив тиббиёт соҳаларидаги илғор ютуқлардан фойдаланган ҳолда илмий-амалий тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга ошириш;

(Давоми 2-саҳифада)



Рустам Назарматов олган суратлар

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINI 2014 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯҚУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан жорий йил 17 январда бўлиб ўтган мамлакатимиз ҳукумати мажлисида белгилаб берилган 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифа ва устувор йўналишларини амалга ошириш, шунингдек, иқтисодиётимиз тармоқ ва соҳаларини ўрта муддатли ривожлантириш дастурларини давом эттириш шу йилнинг биринчи ярмида асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий ўсиш суръатларини сақлаш, иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларини янада мувозанатли ривожлантириш учун мустаҳкам асос яратиш имконини берди.

**1. ИҚТИСОДИЁТНИНГ  
БАРҚАРОР ЮҚОРИ ЎСИШ  
СУРЪАТЛАРИНИ  
ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ҚАБУЛ  
ҚИЛИНГАН СТРАТЕГИЯНИ  
ДАВОМ ЭТТИРИШ, БУНИНГ  
УЧУН МАВЖУД ЗАХИРА  
ВА ИМКОНИАТЛАРНИ  
ЖАЛБ ЭТИШ**

Жаҳон иқтисодиётини ривожлантиришда таваккалчилик ва зиддиятлар кучайиб бораётганига қарамасдан, мамлакатимизда

иқтисодий ўсиш бўйича қабул қилинган стратегияни изчил ва мақсадли амалга ошириш, шу мақсадда мавжуд захира ва имкониятларни жалб этиш жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулотни 8,1 фоиз ошириш имконини берди. Иқтисодиётнинг мустаҳкам ўсиш суръатлари инфляция даражаси пастилигини, давлат бюджети профицити ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоизни ва мамлакат ташқи савдо айланмасининг 482,1 миллион долларлик ижобий сальдосини ифода этадиган макроиқтисодий барқарорлик билан таъминланди.

Ички талабни рағбатлантириш ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларини диверсификация қилиш ва уларнинг молиявий барқарорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирларнинг ижроси натижасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,1 фоиз, истеъмол товарлари 10,8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 6,9 фоиз, чакана савдо айланмаси 13,7 фоиз ва хизмат кўрсатиш ҳажми 14,2 фоизга ошди.

Юқори технологияли ва замонавий объектлар ҳамда қувватларни ишга туширишни жадаллаштириш, иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, шунингдек, хусусий инвестицияларни рағбатлантириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажмини кенгайтириш натижасида ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 10,8 фоиз ва қурилиш ишларини 17,4 фоизга оширишни таъминлади.

Банк тизимининг ресурс базасини кенгайтириш ва банкларнинг инвестициявий фаоллигини ошириш бўйича кўрилган чоратадбирлар натижасида тижорат банкларининг умумий капитали 24,6 фоиз, банкларнинг умумий активлари 28,8 фоиз, мижозларнинг банклардаги жалб қилинган депозитлари 30,4 фоизга кўпайди. Натижада мамлакатимиз банк тизими капиталининг етарлилик даражаси 24,2 фоизни ташкил қилди ва бу халқаро стандартларга нисбатан уч баробар юқоридир.

(Давоми 2-саҳифада)

# ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми, аввали 1-саҳифада)

институт клиникалари ва унинг филиалларида аҳолига стоматология соҳасида юқори малакали даволаш-профилактика ёрдами кўрсатган ҳолда стоматологик касалликлар диагностикаси, профилактикаси ва уларни даволашнинг илғор усуллари татбиқ этиш;

республиканинг олий тиббиёт таълими тизимида стоматология соҳаси бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда замонавий таълим технологиялари асосида ахборот ва мультимедия ускуналарида фойдаланган ҳолда илғор хорижий тажрибани жорий этиш;

стоматология соҳасидаги тиббиёт мутахассислари ва ўқитувчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишни ташкил этиш.

3. Белгилаб қўйилсинки, Тошкент давлат стоматология институти ҳузурдаги Стоматология ва юз-жағ жароҳлиги илмий-амалий маркази:

тиш ва оғиз бўшлиғи касалликларини даволашнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш, илғор стоматология технологияларини, шу жумладан, юз-жағ соҳасидаги тўқималар ва органларни тиклаш чоғида остеопластика, биологик ва сунъий материалларни қўлланиш каби технологияларни жорий этиш юзасидан чуқур илмий изланишларни олиб бориш бўйича институтнинг асосий тадқиқот бўлини ҳисобланади;

халқаро стандартларга мувофиқ стоматологик касалликлар диагностикаси, профилактикаси ва уларни даволашнинг илмий-методологик базаси такомиллаштирилишини таъминлайди ва шунга асослашиб, стоматология соҳасида давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурлари, дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни ишлаб чиқади, шунингдек, стоматолог-врачларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан шуғулланади.

4. Тошкент давлат стоматология институтининг бошқарув ходимлари чекланган сони 35 кишидан иборат ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Институт ректорига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш

вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда институтнинг ташкилий тузилмасига бошқарув ходимларининг белгиланган сони доирасида, зарурат бўлганда, ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Белгилансинки, 2014 йилда Тошкент тиббиёт академиясига ҳамда стоматология йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича республиканинг бошқа олий тиббиёт таълим муассасаларига ҳужжатларини топширган ва тест синовларидан муваффақиятли ўтган абитуриентлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2014/2015 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида» 2014 йил 26 июндаги ПҚ-2193-сонли қарори билан тасдиқланган қабул квоталарига мувофиқ Тошкент давлат стоматология институти ҳамда унинг филиалларининг тегишли йўналишлари ва мутахассисликларига қабул қилинадилар.

6. Тошкент давлат стоматология институтини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал қилиш учун 2-иловага мувофиқ таркибда махсус комиссия тузилсин.

Махсус комиссия (Р.С.Азимов) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргалликда бир ой муддатда:

Тошкент давлат стоматология институтини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга оширсин, устав ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек, институтнинг ўқув йили бошидан тўлақонли фаолият юритишни таъминлаш борасидаги бошқа ташкилий масалаларни ҳал этсин;

Тошкент давлат тиббиёт академияси ва бошқа олий тиббиёт таълими муассасаларининг тугатилаётган стоматология факультетларининг раҳбар ходимлари ва профессор-ўқитувчилар таркибини белгиланган тартибда аттестациядан ўтказишни ҳамда Тошкент давлат стоматология институти ва унинг филиалларини стоматология соҳасида амалий иш тажрибасига эга, ўқитиш ва илмий-амалий тадқиқотлар ўтказишнинг замонавий усуллари фаол қўллайдиган юқори малакали ташаббускор кадрлар би-

лан таъминласин;

замонавий таълим технологиялари, энг янги ахборот ва ўқув-лаборатория асбоб-ускуналарини жорий этиш ва улардан кенг фойдаланиш асосида ўқув режалари ва дастурларини янгилаган ҳолда стоматология бўйича ўқув жараёнини ташкил этишни танқидий таҳлил қилсин ва илғор хорижий тажрибани ҳисобга олиб қайта кўриб чиқсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргалликда Тошкент давлат стоматология институти учун 2014/2015 ўқув йилининг бошланишига такомиллаштирилган давлат таълим стандартларига қатъиян мос келадиган, стоматологияни ривожлантиришнинг замонавий талабларига жавоб берадиган янги ўқув режалар ва дастурлар ишлаб чиқилишини таъминласин;

бир ой муддатда Стоматология ва юз-жағ хирургияси илмий-амалий марказини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга оширсин;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги билан биргалликда уч ой муддатда машҳур мутахассис ва олимларни институтда ишлашга ва дарс беришга жалб қилиш, стажировкаларни ташкил этиш ва мутахассисларни тайёрлаш, биргалликда ўқув ва тадқиқот дастурларини амалга ошириш мақсадида Тошкент давлат стоматология институти учун хорижий мамлакатларнинг илғор ихтисослаштирилган университет ва институтларидан техник ҳамкор белгилаш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсин ва жорий этсин.

8. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Тошкент давлат стоматология институти фаолиятини ташкил этиш бўйича қарор қабул қилсин, унда:

Тошкент давлат стоматология инс-

титутини вақтинча Тошкент тиббиёт академиясининг Тошкент шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 103-уйда жойлашган 3-сонли клиникаси ҳудудида жойлашишини;

2015 йилдан институтнинг янги бинолари мажмуи, жумладан, ётоқхона, унинг филиаллари қурилишини бошлаш учун молиялаш манбалари, жумладан, грантлар, имтиёзли хорижий кредитлар ва бошқа бюджетдан ташқари маблағларни белгиланган ҳолда жорий йилнинг охиригача зарур лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни назарда тутсин.

9. Тошкент давлат стоматология институти ва унинг филиалларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган рўйхат бўйича олиб қириладиган стоматологик асбоб-ускуналар, ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси, бошқа махсус асбоб-ускуна ва инвентарлар учун 2020 йилнинг 1 январигача бож тўловлари (божхона ҳужжатларини расмийлаштириш учун йиғиладиган йиғимлар бундан мустасно) тўлашдан озод қилинсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодий вазирлигига 2014 йилда ва кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети параметрларида Тошкент давлат стоматология институти ва унинг филиалларида қурилиш ишларини олиб бориш, моддий-техник таъминлаш, шунингдек, хорижий тилларда адабиётлар сотиб олиш, журнал ва бошқа вақтли нашрлар, жумладан, ахборот-кутубхона ресурсларига обуна бўлишга мақсадли маблағлар, жумладан, зарур капитал қўйилмалар лимитлари ажратилиши кўзда тутилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И.Икромов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**

**Президенти**

*Тошкент шаҳри,  
2014 йил 22 июль*

**И.КАРИМОВ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2014 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми, аввали 1-саҳифада)

**2014 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари**

(2013 йилнинг шу даврига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Ўсиш суръатлари
Ялпи ички маҳсулот	108,1
Саноат маҳсулотлари	108,1
Истеъмол товарлари	110,8
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	106,9
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	110,8
Қурилиш ишлари	117,4
Чакана савдо айланмаси	113,7
Пуллик хизматлар	109,7
Жами хизматлар	114,2

Иқтисодий тармоқларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш мақсадида жорий йил бошидан паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган 144 корхонанинг молиявий-иқтисодий аҳолини яхшилаш, истиқболсиз 10 корхонани тугатиш ва кейинчалик улар негизда янги ишлаб чиқариш қувватлари ташкил этиш шarti билан янги мулкдорларга сотиш бўйича мақсадли «йўл хариталари» ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Тасдиқланган ушбу «йўл хариталари» доирасида тадбирларни амалга ошириш учун шу йилнинг биринчи ярмида қиймати 290 миллиард сўмдан

зиёд инвестициялар жалб қилинди. Бунинг натижасида 109 корхона зарар кўришдан чиқарилди (умумий миқдорининг 76 фоизи) ва улар 50,4 миллиард сўм даромад олди, 2 мингта иш ўрнини қайта тиклади. Умуман, қайта ташкил этилаётган корхоналарда жорий йил бошидан буён жами қиймати 3,1 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди, шунингдек, қиймати қарийб 118 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

«Йўл хариталари»ни амалга ошириш билан бир қаторда иқтисодий ночор корхоналарни қайта ташкил этиш ва молиявий соғломлаштириш

ҳамда уларни янги мулкдорларга топшириш ишлари давом эттирилди. Тегишли дастурларга киритилган корхоналарни қайта тиклаш учун жорий йилнинг биринчи ярмида қиймати 1,1 триллион сўмлик, шу жумладан, тижорат банклари кредитлари ҳисобидан 527,6 миллиард сўмлик инвестициялар йўналтирилди. Натижада ушбу корхоналарда жорий йил бошидан буён 1,4 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, қиймати 92,8 миллион долларга тенг маҳсулот экспорт қилинди, қарийб 17,3 мингта янги иш ўрни яратилди.

(Давоми 3-саҳифада)

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2014 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми, аввали  
1-, 2-саҳифаларда)

Саноат тармоқларининг рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида йирик корхоналарда қиймати 94 миллион долларлик 1,3 мингта маънавий ва жисмоний эскирган ускуналар алмаштирилди, шунингдек, технологик жараёнлар, хомашё ва материалларни сарфлаш нормаларини оқилона ташкил этиш, йўқотишлар ҳамда ноишлаб чиқариш харажатларини бар-тараф этиш тадбирлари амалга оширилди. Бу борада қабул қилинган чора-тадбирлар йирик саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини ўртача 8,9 фоизга камайтириш, саноатда иш унумдорлигини 6,3 фоизга ошириш, ялпи ички маҳсулотда энергия сарфини 13 фоизга қисқартириш имконини берди.

Ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш дастурлари, шунингдек, саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини ошириш чора-тадбирларининг амалга оширилиши саноат тармоқларини таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш жараёнларини янада чуқурлаштиришга ёрдам берди.

Хусусан, 2014 йилнинг биринчи ярмида машинасозлик ва металлни қайта ишлаш (ўсиш суръати 117,1 фоиз), қурилиш материаллари саноати (113,1 фоиз), енгил саноат (112,7 фоиз, шу жумладан, пахтани қайта ишлаш — 122,1 фоиз, трикотаж — 122,3 фоиз, тикувчилик — 113,6 фоиз), тиббиёт (112,8 фоиз), қора металлургия (110,3 фоиз), озик-овқат саноати (107 фоиз) каби тармоқларда жадал ривожланиш таъминланди. Саноат ишлаб чиқариш умумий таркибида ушбу тармоқлар улуши 2013 йилнинг биринчи ярмидаги 53,8 фоиздан 58,9 фоизга етди.

Истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида жорий йил бошидан буён технологик ускуналар харид қилиш ва айланма капитални тўлдириш учун ишлаб чиқарувчи корхоналарга тижорат банклари томонидан 1,7 триллион сўм (2013 йилнинг шу даврига нисбатан 119,2 фоиз) ҳажмидаги кредит ажратилди. Натижада, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳажми 10,8 фоиз, жумладан, озик-овқат маҳсулотлари 6,5 фоиз ва ноозик-овқат маҳсулотлари 13,8 фоиз ошди. Уларнинг саноат ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши 2013 йилнинг биринчи ярмидаги 31,9 фоиздан 36,4 фоизга ошди.

Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг биринчи ярмида импорт ўрнини босадиган ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини янада кенгайтириш мақсадида қиймати 1,2 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Жумладан, электр духовка, газ ва электр плиталар, кондиционер, электр двигатель ва насослар, маиший электр асбоблари, мисланган пайвандлаш симлари, автомашиналар учун антифриз, спорт майдонлари учун сунъий қоплама, резина асосли ковролан, янги турдаги болалар ўйинчоқлари, спорт анжомлари ва бошқа 200 турдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Умуман, маҳаллийлаштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш натижасида импорт ўрнини босиш самарадорлиги 504,7 миллион долларни ташкил этди.

## II. ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛИ ВА ЗАМОНАВИЙ МУҲИМ САНОАТ ОБЪЕКТЛАРИ ВА ҚУВВАТЛАРНИ ИШГА ТУШИРИШ, ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МУҲИТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Юқори технологияли ва замонавий муҳим объектлар ва қувватларни ишга тушириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнларини чуқурлаштириш, шунингдек, инвестициявий муҳитни янада такомиллаштириш бўйича фаол чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида шу йилнинг биринчи ярмида инвестициялар юқори ўсиш суръатларида (110,8 фоиз) ўзлаштирилди. Уларнинг ҳажми 15 триллион сўм ёки 6,7 миллиард долларни ташкил қилди.

Бу борада энг муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ўзлаштирилган маблағлари ҳажми 1,6 марта, тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳажми 1,4 марта, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 28,8 фоиз ошди.

Жорий йил бошидан буён 2014 йилги Инвестиция дастурига киритилган умумий қиймати 680 миллион долларлик 64 лойиҳа амалга оширилди. Хусусан, 350 минг тонна оқ цемент ишлаб чиқариш қувватига эга «Жиззах виллоятида портландцемент ва оқ цемент ишлаб чиқаришни ташкил этиш», 20 минг тонна ва 2 миллион квадрат метр ишлаб чиқариш қувватига эга

«Гипс кукуни ва гипсокартон ишлаб чиқариш», 2,1 миллион квадрат метр ишлаб чиқариш қувватига эга «Тошкент виллоятидаги «Ehsan Maybod Manufacturing Group» МЧЖ хорижий корхонасида сопол кошинлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш», «Фосфорит хомашёсини бойитиш бўйича мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ишлаб чиқаришни 716 минг тоннага кўпайтириш», «Ангрен» маҳсул индустриал зонаси худудида техник кремний ишлаб чиқаришни ташкил этиш» (қуввати — 5 минг тонна), бир кунда минг тонна ишлаб чиқариш қувватига эга «Тошкент виллоятида янги замонавий шакар заводини қуриш ва ташкил этиш», «Хоразм автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси» масъулияти чекланган жамияти базасида «Дамас» русумидаги енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш (1-босқич)» (қуввати йилига 40 мингта автомобиль), «Қорақалпоғистон Республикасида бир йилда 5 минг тонна ишлаб чиқариш қувватига эга «Мангит» масъулияти чекланган жамияти базасида йигирув ишлаб чиқаришини ташкил этиш» ва бошқа лойиҳалар бўйича ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди.

Бундан ташқари, худудларнинг саноат салоҳиятини ривожлантириш бўйича худудий дастурлар доирасида шу йилнинг биринчи ярмида 2696 лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Чунончи, 1651 янги ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди. Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш учун тижорат банклари томонидан қиймати 555,3 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди, лойиҳа ташаббускорларининг 730 миллиард сўмлик ўз маблағлари жалб этилди ва 20,5 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилди.

Йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш мақсадида жорий йил бошидан буён узунлиги 213,6 километрлик автомобиль йўллари барпо этилди ва реконструкция қилинди, 88 километр темир йўл қайта тикланди, 272 юк ва 13 йўловчи ташиш вагонлари тайёрланди. Ўзбекистон Миллий автомагистрალი таркибига кирадиган автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш объектларида 425 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар, жумладан, Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан 257 миллиард сўм ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг кафолати билан хорижий қарзлар ҳисобидан 73 миллион

доллар ўзлаштирилди. Мароқанд — Қарши ва Қарши — Термиз темир йўл участкаларини электрлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича тегишли равишда 20,3 миллион ва 12,1 миллион доллар ўзлаштирилди.

## III. РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ЯНАДА РАҒБАТЛАНТИРИШ

Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳити яратиш, қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш учун ортиқча бюрократик ва маъмурий тартиб-таомилларга чек қўйишга доир ишлар давом эттирилди.

Жумладан, тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, уларнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятини текшириш сонини чеклаш, қўшимча солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш, тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятни эркинлаштиришга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил апрелда қабул қилинган ҳужжатларига мувофиқ 22 рухсат бериш тартиб-таомиллари бекор қилинди, 21 рухсат бериш тартиб-таомиллини расмийлаштириш муддати 2,1 марта, шунингдек, 11 турдаги фаолиятни ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни расмийлаштиришда йигимлар ҳажми 4 марта қисқартирилди, ҳужжатлар тақдим этиш ёки ваколатли органлар билан келишиш бўйича ортиқча талаблар бекор қилинган ҳисобидан 31 рухсат бериш тартиб-таомили бўйича расмийлаштириш жараёнлари соддалаштирилди.

Аҳоли кенг қатламларига мамлакатимизда қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини яратиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича икки юздан зиёд семинар ва давра суҳбатлари ташкил этилди.

Статистик, солиқ, молиявий ва бошқа ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимини босқичма-босқич жорий этишга доир қўрилаётган чора-тадбирлар доирасида айна пайтда тадбиркорлик субъектларининг 97 фоизи солиқ ҳисоботларини, 92 фоизи статистика ҳисоботларини электрон шаклда топширмоқда. Бундан ташқари, дав-

лат органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатларнинг контактсиз электрон шакллари жорий этилгани натижасида шу йилнинг биринчи ярмида 187,2 мингта божхона юк декларациялари (умумий миқдорнинг 97,2 фоизи) электрон шаклда расмийлаштирилди. Хўжалик судлари томонидан 20,5 мингдан зиёд электрон ариза ва мурожаатлар кўриб чиқилиб, суд иши иштирокчиларига электрон шаклдаги суд ҳужжатлари юборилди.

Кичик корхоналар ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида ўтган даврда кичик бизнес субъектларига умумий қиймати 25,5 миллиард сўмлик 86 давлат активи сотилди, фойдаланилмаётган 19,4 мингта давлат мулки объекти ижарага берилди. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 4,8 триллион сўм миқдорида кредит, жумладан, 1 триллион сўмлик микрокредитлар берилди. Бу 2013 йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробар кўпдир. Кичик тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш учун халқаро молия институтларининг 79 миллион долларлик кредит линиялари ўзлаштирилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларини сотишнинг бозор механизмлари фаол жорий этилмоқда. Масалан, кичик тадбиркорлик субъектларининг жорий йил биринчи ярмида биржа савдолари орқали сотган ўз маҳсулотлари ҳажми 1,9 баробар ошди. Кичик бизнес субъектларидан электрон савдолари орқали амалга оширилган давлат харидлари ҳажми 189,9 миллиард сўмни ёки давлат харидлари умумий ҳажмининг 97 фоизини ташкил этди. Давлат харидлари бўйича электрон савдоларнинг жорий этилиши ҳисобига ушбу мақсадлар учун кўзда тутилган 46,9 миллиард сўмлик ёки 19,3 фоиз бюджет маблағлари иқтисод қилинди.

Ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янада рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи ярмида 14,3 мингта яқин янги кичик бизнес субъектини (фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳисобга олинмаган ҳолда) ташкил этиш имконини берди. Энг кўп кичик бизнес субъектлари саноатда (умумий миқдорнинг 26,4 фоизи), савдо ва умумий овқатланиш (29,3 фоиз) ва қурилиш соҳасида (12,4 фоиз) ташкил қилинди.

(Давоми 4-саҳифада)

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2014 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми, аввали  
1-, 2-, 3-саҳифаларда)

Натижада жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши 43,9 фоиз (2013 йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич 43,2 фоиз бўлган), саноатда 28,4 фоиз (27 фоиз), пуллик хизмат кўрсатишда 45,2 фоиз (40,9 фоиз), бандлик соҳасида 76,4 фоизга (75,8 фоиз) етди.

## IV. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАШ ҲАМДА ЖАҲОН БОЗОРИГА ЧИҚИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ БЎЛГАН ТЎЛАҚОНЛИ РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Ташқи бозордаги ўзгарувчан конъюнктурага қарамасдан экспорт салоҳиятини рағбатлантириш ва экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, илгари ўз маҳсулотини экспорт қилмаган корхоналарни экспорт фаолиятига жалб этиш, шунингдек, экспорт қилинаётган миллий маҳсулотларимиз номенклатурасини кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи ярмида экспорт ҳажмининг 8 фоизга ўсишини таъминлади.

Жумладан, полиэтилен, кальциниацияланган сода, аммиакли селитра, молибден, мис асосли қотишмалар, ип-калава ва бошқа товарларни экспортга етказиб бериш ҳажми ошди. Қиймати 96,2 миллион доллардан ортиқ 100 турдан зиёд товарлар, жумладан, хлорли аммоний, формалин, озукабоб аммоний фосфатлари, суюқ ва газсимон аргон, сирланган идишлар, қолиплаш-пайвандлаш компонентлари, ёқилғи насослари ва товуш пасайтиргичлар, майдаланган мрамор, электр одеялар, автомобиль ўриндиқлари ва бошқа маҳсулотлар экспортга етказиб берилди.

2012-2016 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури ижроси доирасида жорий йил бошидан буён хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида инфратузилма ташкил этиш ҳамда ривожлантириш учун «Микрокредит-банк»нинг 15 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағи йўналтирилди. Микро ва истеъмол кредитлашни ривожлантириш, замонавий халқаро стандартлар ва технологиялардан фойдаланган ҳолда тўлов тизимларини такомиллаштириш, шунингдек, молиявий инфратузилма институтларини тараққий эттиришга доир кўрилган чоралар молия хизматлари ҳажмини 34,5 фоизга ошириш имконини берди.

2013-2020 йилларда телекоммуникация технологияла-

рини, алоқа тармоқлари ва инфратузилмаларини ривожлантириш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг биринчи ярмида замонавий технология асосида кенг миқёсда фойдаланиш учун 600 километрдан ортиқ оптик толали тармоқлар бунёд этилди. Рақамли телевидениега босқичма-босқич ўтишга доир амалга оширилган чора-тадбирлар аҳолини рақамли телевидение билан қамраб олиш даражасини 45 фоизга етказиш имконини берди. Мобиль алоқа ва интернет хизматларидан фойдаланаётган абонентлар сонининг кўпайиши, ахборот-коммуникация технологиялари негизда янги хизмат турларининг жорий этилиши ва ривожлантирилиши, шунингдек, АТСни рақамлаштириш даражасининг оширилиши ҳисобот даврида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 25,4 фоизга, компьютер дастурлаш хизматлари 18,4 фоизга ошишини таъминлади.

Жорий йил бошидан буён савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 2,8 мингта, маиший хизмат кўрсатиш соҳасида 1,6 мингдан ортиқ янги лойиҳа амалга оширилди. Бу чакана савдо ва умумий овқатланиш хизматларининг 15,5 фоиз ва маиший хизматларининг 19,2 фоизга ошишини таъминлади.

Умуман айтганда, хизмат кўрсатиш соҳаларини жадал ривожлантириш ва қишлоқ аҳолисининг замонавий хизмат турларидан фойдаланишини кенгайтиришга доир кўрилган чора-тадбирлар доирасида жорий йилнинг январь-июнь ойларида сервис хизматлари кўрсатиш бўйича 5,9 мингдан зиёд лойиҳа амалга оширилди. Бунинг самарасида хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2013 йилнинг I ярмидаги 52,4 фоиздан 52,7 фоизга етди.

## V. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАШ

Жорий йилнинг биринчи ярмида қишлоқ хўжалигини техник ва технологик янгилашга доир чора-тадбирларни амалга ошириш давом эттирилди. 2013-2017 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш Давлат дастурини амалга ошириш доирасида Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан узунлиги 502,6 километр коллектор, вертикал дренажли 60 кудук, 857 кузатув кудуғи ва 44,4 километр ёпиқ горизонтал дренаж тармоғини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари якунланди, 6 744 километр

хўжаликларо ва хўжалик ичидаги коллектор-дренаж тармоқларида таъмирлаш-қайта тиклаш ишлари бажарилди.

Асосий ва оралик экин майдонларида 255,8 минг гектар ерга сабзавот, 81,5 минг гектар ерга картошка ва 57,1 минг гектар майдонга полиз экинлари экилди. 2,4 минг гектар майдонда янги боғлар, 5,6 минг гектар ерда интенсив боғлар ва 8,9 минг гектар ерда узумзорлар барпо этилди. 4,1 минг гектарда боғ ва 6,1 минг гектарлик узумзорлар реконструкция қилинди. 213,5 гектар майдонда 421 иссиқхона ташкил этилди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида рекорд даражада — 8 миллион тоннадан ортиқ ғалла ҳосили етиштирилди. Бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан, 2,4 миллион тонна сабзавот (2013 йилнинг шу даврига нисбатан 110 фоиз), 1,2 миллион тонна картошка (111,3 фоиз), 150,7 минг тонна полиз экинлари (111,1 фоиз), 782,4 минг тонна мева (110,1 фоиз) ва 22,2 минг тонна узум (112 фоиз) ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ошди.

Мева-сабзавот маҳсулотларининг ўсиб бораётган ҳажмини ишончли сақлаш ва уларни истеъмолчиларга кафолатли етказиб беришни таъминлаш мақсадида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга доир чора-тадбирлар ижроси доирасида жорий йилнинг ўтган даврида 13,5 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотларини сақлайдиган 29 янги совутадиған камера ташкил этилди.

Жорий йил бошидан буён чорвачиликни ривожлантириш бўйича қорамоллар умумий сони 37,4 минг бош бўлган 1430 лойиҳа, паррандачиликни ривожлантириш бўйича паррандалар сони 7,3 миллион бўлган 660 лойиҳа, 1,7 минг гектар сунъий ва 5 минг гектар табиий ҳовузларда балиқчиликни ривожлантиришга доир 677 лойиҳа, шунингдек, асаларичилик хўжаликларини ривожлантириш бўйича 800 лойиҳа амалга оширилди. Тижорат банклари томонидан ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши учун чорвачиликни ривожлантиришга 131,4 миллиард сўм, паррандачилик хўжаликларини ташкил этиш учун 155,3 миллиард сўм, балиқчилик ва асаларичилик хўжаликларини ривожлантириш учун эса 12,9 миллиард сўм ажратилди.

Натижада жорий йилнинг биринчи ярми якунлари бўйича қорамоллар умумий

сони 4,4 фоизга ошиб, 10,7 миллион бошдан ортиқни ташкил этди. Гўшт етиштириш ҳажми 6,5 фоизга, сут 6,7 фоизга, тухум 11,2 фоизга ошди.

## VI. ИЖТИМОЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ ВА АҲОЛИ ЯШАШ МАСКАНЛАРИНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг ўтган даврида 1,3 триллион сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди. Янги қишлоқ массивларида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган 4486 якка тартибдаги уй-жой фойдаланишга топширилди, 417,3 километр сув таъминоти тармоқлари, 74,6 километр айланма ва ички автомобиль йўллари, 165,5 километр электр ва 149 километр газ таъминоти тармоқлари ишга туширилди.

Жорий йил бошидан буён мамлакатимизда жами 5,8 миллион квадрат метр (2013 йилнинг шу даврига нисбатан 113,9 фоиз), жумладан, қишлоқ жойларда 4,4 миллион квадрат метр уй-жой (115,9 фоиз) фойдаланишга топширилди. 1,7 минг километр сув таъминоти тармоғи (жумладан, қишлоқ жойларда 1,5 минг километр) ва 289 километр газ тармоқлари (212,9 километр) барпо этилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида 93 умумтаълим мактаби капитал таъмирланди, қишлоқ жойлардаги 6,6 минг ўқувчи ўрнига мўлжалланган мактаблар реконструкция қилинди, 17 янги болалар спорт объектлари бунёд этилди. Таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт иншоотлари қуриш ва реконструкция қилишда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасининг 490 миллиард сўмлик (2013 йилнинг шу даврига нисбатан 109,3 фоиз), Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 200 миллиард сўмга яқин маблағи (113,2 фоиз) ва бошқа маблағлар ўзлаштирилди. Бундан ташқари, тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш учун мамлакатимиз ҳукуматининг кафолати остида халқаро молия институтларининг 6,9 миллион долларлик имтиёзли кредит маблағлари ўзлаштирилди.

Умуман айтганда, жорий йилнинг ўтган даврида «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида она-

лик ва болаликни муҳофаза қилиш, таълим сифатини ошириш, ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш бўйича тадбирлар амалга оширилди. Мазкур тадбирларни молиялаштиришга барча манбалар ҳисобидан 3,1 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

2014 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини тизимли асосда амалга ошириш натижасида жорий йил бошидан буён 506,4 минг янги иш ўрни, улардан 303,2 мингтаси (59,9 фоиз) қишлоқ жойларда ташкил этилди. Ортиқча иш кучи мавжуд 32 туман аҳолиси бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, бу ерда 74,7 минг янги иш ўрни яратилди.

Иқтисодий ривожланиш барқарорлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва аҳолининг иқтисодий фаоллигини оширишга доир кўрилган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи ярмида иқтисодиёт бўйича иш ҳақи 18,2 фоиз ва аҳолининг умумий даромади 18,8 фоиз ўсишига имкон яратди.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифа ва устувор йўналишларининг изчил ҳамда аниқ мақсадли амалга оширилиши натижасида глобал иқтисодиёт муаммолари чуқурлашиб бораётганига қарамасдан, жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни сақлаш ва иқтисодиётнинг мустаҳкам юқори ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича қабул қилинган стратегияни ҳаётга татбиқ этиш самарадорлиги оширилди.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича қабул қилинган дастурларни жадал амалга ошириш, инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини мунтазам такомиллаштириш, иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш ва энг муҳими, мамлакатимиз аҳолиси бандлигини таъминлаш учун муносиб шароит яратиш ҳисобидан иқтисодиётимизни модернизация ва диверсификация қилиш, унинг рақобатбардошлигини ошириш стратегиясини ҳаётга татбиқ этиш жараёнларини чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтириш 2014 йилда Ўзбекистон Республикасини янада барқарор иқтисодий ривожлантиришнинг асосий вазифаларидир.

Навоий вилояти республикамиз ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида ўз ўрнига эга. Бугун вилоятда кончилик, металлургия, кимё, энергетика, қурилиш материаллари, пахта тозалаш ва озиқ-овқат саноати сингари соҳалар юксак ривожланган. Хусусан, 1040 та кичик ва 21 та йирик корхона фаолият кўрсатмоқда. Навоий кон-металлургия комбинати, «Навоийазот», «Қизилқумцемент», «Навоий иссиқлик электр станцияси» ОАЖлари, «Электркимё», «Бахттекстиль», «Навбахортекстиль» корхоналарини алоҳида эътироф этиш лозим. Худуднинг саноат салоҳияти ҳақида сўз кетганда «Навоий эркин индустриал-иқтисодий зона»сини таъкидлаш жоиз. Ҳозирги кунда бу ерда 14 та лойиҳа ишга тушган бўлиб, автомобиллар учун кабеллар ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Uzeraecable» Ўзбекистон — Жанубий Корея, генераторлар ишлаб чиқарадиган «Uzeraealternator», рақамли телевидениелар учун тюнерлар ишлаб чиқарадиган «Telecom Innovations» Ўзбекистон — Сингапур қўшма корхоналари ва бошқа бир қатор ишлаб чиқариш объеклари етакчи қувватга эга.




Ona yurt bo'ylab «sayohat»

Navoiy viloyati

# Хур Ва обог Ўзбекистоним!



Навоий шаҳрида қад ростлаган «Ёшлар маркази» бугун тенгдошларимиз иқтисодини юзага чиқарадиган, истеъдодларни бир даврага тўплайдиган ошёнга айланган. Бу ерда «Камолот» ЁИХ Навоий вилояти кенгаши фаолият олиб боради. Шунингдек, масканда инглиз ва рус тиллари, тикувчилик, расм, спорт, пазандлик ва рақс тўғараклари бўлиб, улар ҳамиша гавжум. 30 ўринли компьютер хонаси ва кутубхона ёшлар ихтиёрида.



Нурота тумани вилоятда тарихий шаҳар, аъналар маркази деб юритилади. Худуд остонасида ястаниб ётган тарих Нурота зиёратгоҳида ўзининг бор бўй-басти билан намоён бўлади. Зиёратгоҳнинг сўл томонида Искандар қалъаси жойлашган. У чўл сарҳадидаги улкан истеҳком, муҳим савдо маскани ҳамда ҳарбий-стратегик пункт бўлган. Шаҳар жанубида қад кўтарган бу қадимий қалъа остида Нурота ариғи бошланадиган булок ва ҳовуз бор. Ҳовузда ҳам, ариқларда ҳам балиқ кўп. Нуроталиқлар ва бу ерга келадиган зиёратчилар балиқларни овламайди. Боиси, халқ таъбирига кўра, улар худди булок суви каби муқаддас.

Нурота, шунингдек, каштачиликда ҳам донг таратган. Бу ерлик қизлар каштачилик билан шуғулланади. Бу ҳунар уларга момомерос. Қадимда Нуротада турмушга чиқаётган қизнинг ҳар бири сепига ўз кўли билан тиккан каштани кўйган. Қизнинг тиккан каштасига қараб моможонлар бўлажак келиннинг феъл-атвори ва рўзғор тутумига баҳо беришган.



Нурота туманидаги Сентоб қишлоғи сўлим гўша. Эътиборлиси, қишлоқда енгил автомашина юрадиган жойлар кам. Тош сўқмоқлари ва гўзал шаршара уни бошқа кўп қишлоқлардан ажратиб туради.



Навоий шаҳридаги «Фарҳод» ва «Ширин» маданият саройлари, «Навоий» боғи, «Ёшлик» кўли, халқ сайиллари ўтказиладиган, 2400 томошабинга мўлжалланган Амфитеатр шаҳар кўркига қурқ кўшиб турибди.



Навоийда қад ростлаётган спорт иншоотлари худудда болалар спортини ривожлантиришга қаратилган эътибор намунаси. БўСМлар, кураш мактаби, очик ва ёпиқ сув ҳавзаларига қатновчи ёшлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Айниқса, «Ёшлар» спорт мажмуаси болаларни профессионал спортга элтвчи масканга айланиб улгурди. Бу ерда ёшлар енгил атлетика, гимнастика сингари бир қатор спорт турлари билан шуғулланади.



Қизилқум саҳроси бағрида сочилиб ётган ўрта плеолит даврига мансуб меҳнат қурооларининг топилши Навоий вилояти худудининг жуда қадимдан ибтидоий кишилар томонидан ўзлаштирила бошланганидан далолат беради. Сармишсой қояларида акс этган турли ҳайвонлар, ов манзаралари фикримизнинг яна бир тасдиғидир. Ҳозирда Сармишсой дараси ва унинг атрофидаги сойларда ўн мингдан ортиқ қоятош суратлари борлиги аниқланган. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу петроглифлар ўзида 35 тематик образ ва сюжетларни акс эттиради.



Навоий халқаро аэропортида бир кеча-кундузда 300 тонна қувватга эга бўлган халқаро андозаларга мос юк терминали ишлаб турибди.



Чордара — милoddan аввалги Васрга мансуб қалъа. У Конимех худудида жойлашган антик давр ёдгорлиғидир. Чордаранинг ташқи деворлари ва равоқли ёшиқ ўринлари яхши сақланган. Қалъа хом ғишт ва паҳсадан тикланган.

# Фаоллик, изланувчанлик — давр талаби

Шу йил 22 июль куни Ўзбекистон  
Журналистлари ижодий уюшмасининг навбатдаги  
III конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда мазкур ташкилотнинг худудий бўлинмаларидан сайланган делегатлар, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Конференцияда уюшманинг ўтган беш йиллик фаолияти атрофлича муҳокама этилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллий медиа соҳани раванк топтириш, унинг эркин фикр минбарига айланиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда қабул қилинган ўнга яқин қонун ҳужжати фуқароларнинг ахборот олишга оид ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини янада яхшилаш, журналист касбининг жамиятдаги ижтимоий мавқеи ва мақомини тобора юксалтиришда асосий омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ўз Низомида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда ахборот соҳасини ислоҳ этиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, соҳа ходимларининг билим ва касб маҳоратини оширишда фаол иштирок этмоқда.

Ўтган вақт мобайнида уюшма қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда миллий журналистикани жаҳоннинг илғор тажрибалари асосида ривожлантириш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш учун яқиндан кўмаклашишга оид медиафорумлар, анжуманлар, давра суҳбатлари, семинар-тренинглари

ташкил этди. Шу билан бирга, соҳага оид қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, уларни такомиллаштириш, амалдаги қонунлар ижросини таъминлашни назорат қилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда.

Уюшма қошидаги олимлар, тажрибали журналистлар, экспертлардан иборат мониторинг гуруҳи жамиятимиз ҳаётига оид энг долзарб ва ўткир масалалар кўтариб чиқилган материалларни атрофлича таҳлил этиш ва иждоқорларга зарур тавсиялар беришда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилаётган «Олтин қалам», «Йилнинг энг фаол журналисти», «Энг улуг, энг азиз» каби танловлар соҳада самарали фаолият юритаётган фаол ва изланувчан ходимларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш имконини бермоқда.

Конференцияда бугунги глобаллашув замонида уюшма фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш билан боғлиқ вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

Конференцияда ташкилий масала кўриб чиқилди. «Ўзбектеlevision» давлат унитар корхонаси директори Иброҳимжон Ҳалимбеков Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси расиси, «Хуррият» газетаси бош муҳаррири Ўктам Мирзаёров мазкур ташкилот раисининг ўринбосари этиб сайланди.

ЎЗА

Муҳокама учун ҳар доим мавзу топилади. Фақат бу муҳокама ва баҳсларда долзарб, ўз ўрнида муаммоли мавзуларга оид тегишли хулосалар чиқарилса, кутилган самарага эришиб борилса бўлгани.

«Kamolot» ko'zgusi

## Бир мақсад Ва тўрроқ орикр

Мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позициясига, эркин тафаккурга эга бўлган ёшларни тарбиялаш, уларда тизимли таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш ва моҳирона мунозара олиб бориш қобилиятини шакллантириш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилояти кенгаши қошида «Мунозара» тўрагаги ташкил этилган. Айни пайтда Ҳаракатнинг қирқдан ортиқ фаолини бирлаштирган тўраганининг ҳар бир машғулоти бугуннинг энг муҳим ва долзарб мавзулари муҳокамасига бағишланади. Қувонарлиси, ушбу қизғин баҳсларга, фикрлар хилма-хиллигига бой бўлган машғулотлар тасвирга олиниб, «Фарғона» телеканалда эфирга узатиб борилмоқда.

Тўраганининг навбатдаги «Мунозара»сига «оммавий маданият»нинг салбий кўришилари, интернет ва телефоннинг зарарли оқибатлари, унинг олдини олишда ёшларнинг ўрни» мавзуси танлаб олин-

ди. Очиқ мулоқот тарзида ўтган мунозарада вилоят прокуратураси, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими бошқармалари, ёшлар масалаларига масъул бошқа ташкилот ва идоралар вакиллари иштирок этди.

Мулоқотда Фарғона политехника институти талабаси Абдуҳаёт Абдуқодиоров, «Юрт келажиги» иқтидорли ёшлар республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиблари Зебо Худойбердиева, Бобур Каримов, «Олтин қалам» адабий тўрагаги аъзоси, Ҳаракат фаоли Мирзоозод Мирзонеъматов сингари ёшлар муҳокамага қўйилган мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

Мунозара сўнгида мавзуга оид муҳим хулосалар чиқарилди.

Дилнавоз ҚҮЛДОШЕВА,  
Фарғона вилояти

Bolalar sporti

## Маҳаманинг паҳлавонлари

Навий шаҳридаги «Кураш» мактабида маҳалла ёшлари ўртасида «Маҳалламиз паҳлавонлари» спорт мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда 13-14 ёшли курашчилар олтин вазн тоифасида ўзаро беллашдилар.

Ўғил болалар ўртасида ўтказилган мусобақада 46 килограмм вазн тоифасида Асадулло Абдуллаев, 50 килограмм вазн тоифасида Аббос Маҳмудов, 55 килограмм вазн тоифасида Файрат Усмонов биринчи ўринни

қўлга киритди.

Қиз болалардан 44 килограмм вазн тоифасида Гулбахор Муродова, 48 килограмм вазн тоифасида Мухлиса Нормўминова, 52 килограмм вазн тоифасида Камола Актамовага тенг келадигани топилмади.

Шунингдек, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринга Навий шаҳри, иккинчи ўринга Зарафшон шаҳар жамоаси ва учинчи ўринга Қизилтепа тумани спортчи ёшлари сазовор бўлишди.

Вилоят миқёсида ғолиб бўлган жамоа шу йилнинг август ойида Бухоро вилоятида ўтказиладиган республика финал босқичида иштирок этади.

Отабек АСЛОНОВ,  
«Turkiston» мухбири

Inson huquqlari — oliy qadriyat

## Истеъмолчилар таянчи Ва суюнчи

Ҳар қандай демократик давлатда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигига алоҳида аҳамият берилади. Бу, айниқса, уларнинг истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқ ва имтиёزلардан фойдаланиш жараёнида равшанроқ намоён бўлади.



Юртдошларимизнинг истеъмолчи сифатида ўз ҳақ-ҳуқуқларини теран тушуниб бораётганликлари мамлакатимиз бўйлаб олиб борилаётган ҳуқуқий тарғибот-ташвиқот ишларининг ижобий натижа бераётганидан далолатдир.

Жумладан, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя

қилиш жамиятига жорий йилнинг ўтган чорагида истеъмолчилардан ўз ҳуқуқлари ҳимоясига доир 106 та ёзма мурожаат келиб тушганлиги ва улар тегишли тартибда ўрганилиб, ижобий ҳал этилганлиги ҳам буни яққол тасдиқлаб турибди.

Жамиятга келиб тушаётган мурожаатларнинг аксарияти газ, электр энергияси, ичим-

лик суви ва бошқа корхоналар томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг сифатсизлиги хусусида бўлиб, тегишли тартибда ўрганиб борилмоқда ва истеъмолчиларга етказилган зарарлар ундириб берилиши таъминланапти. Бу эса, албатта, фуқароларнинг қонунга бўлган ишончи янада ортишига хизмат қилади.

Маълумки, мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳуқуқий билими, савияси ва истеъмол маданиятини шакллантириш ва янада юксалтириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

## Таълим муассасаларига тарғибот тағбирлари

Жумладан, Қашқадарё вилояти Муборак туманида касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларида ўтказилган ўқув семинарлар жараёнида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир қонунчилик талаблари юзасидан кенг қамровли тушунчалар берилапти. Олиб борилаётган тарғибот ишлари ўз навбатида таълим муассасалари ходимларининг истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқий билимлари ва истеъмол маданияти янада юксалишига хизмат қилмоқда.

Шуниси аҳамиятлики, тарғибот ишлари натижасида тумандаги касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган минг нафардан ошқ ўқитувчи-педагог истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси аъзолигига қабул қилинди. Таълим муассасаларида жамиятнинг таянч гуруҳлари ташкил этилиб, улар соҳага оид зарур қўлланма билан таъминланди. Бу эса таълим муассасаларида меҳнат қилаётган истеъмолчиларнинг ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланиш даражаси янада ортишига хизмат қилмоқда.

Шавкат КАРОМОВ,  
«Turkiston» мухбири

Yosh fermer — yurt tayanchi

# Йилнинг энг яхши фермерлари аниқланди

Яқинда юртимиз ғаллакорлари йиллик режани бажариб, саккиз миллион эллик минг тонналик ғалла хирмонини бунёд этишди. Бундай юксак хирмонни барпо этишда ёш фермерларимизнинг ҳам алоҳида ҳиссаси бор. Бугунги ёш фермерларимиз нафақат ғалла ёки пахтачилик бўйича, балки чорвачилик, боғдорчилик, балиқчилик, асаларичилик, ҳаттоки, ишлаб чиқаришда ҳам юқори марраларни забт этяпти.

Бу фермерлар ўртасида ўтказилаётган турли танловларда янада яққол акс этяпти. Биргина «Йилнинг энг фаол ёш фермери» кўрик-танлови фермерликда юқори натижаларга эришиб, ўз изланишлари ва ташаббуслари билан ўртак кўрсатаётган юзлаб ёш фермерларни кашф этмоқда. Тошкент давлат аграр университетидан бўлиб ўтган танловнинг якуний республика босқичида юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларга муносиб ҳисса қўшаётган ана шундай фермерларнинг ўн уч нафари синовдан ўтказилди.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғри-

сида»ги қарори ижроси доирасида ўтказилган мазкур танлов Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши, «Камолот» ЕИХ, қатор вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида ташкил этилди. Танловнинг дастлабки бочқичларида минг нафардан ортиқ ёш фермер иштирок этди. Аҳамиятлиси, ушбу танлов изланувчан, юрт тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган ёш мутахассисларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қиляпти.

Танловда иштирокчиларнинг мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўлида олиб бораётган ишлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, мўл ҳосил олиш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини таш-

кил этиш ва шу орқали хизмат кўрсатиш тизимини яратиш, қишлоқ хўжалигига илғор инновацион технологияларни жалб қилиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида қўлга киритаётган ютуқларига алоҳида эътибор қаратилди.

Соҳа мутахассисларидан иборат ҳакамлар ҳайъатининг якуний ҳулосасига кўра, Фарғона вилоятининг Фурқат туманидаги «Шабда-Н» фермер хўжалиги раҳбари Болёржон Ҳамзалиев «Йилнинг энг фаол ёш фермери» деб топилди. Бухоро вилоятининг Ромитан туманидаги «Жамшид Фаршид замини» фермер хўжалиги раҳбари Жамшид Раззоқов иккинчи ўринга, Навоий вилоятининг Кармана туманидаги «Обод турмуш келажаги» фермер хўжалиги раҳбари Наргиза Маманова учинчи ўринга муносиб кўрилди. Шунингдек, танловда номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

— Юртимизда биз, ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлар, яратилаётган шароитлар натижасида ёш фермерлар сафи тобора кенгайиб бораёти, — дейди танлов ғолиби, «Шабда-Н» фермер хўжалиги раҳбари

Болёржон Ҳамзалиев. — Бугунги танловда фермер хўжалигимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳамда сутни қайта ишлаш цехимизда тайёрланаётган ўн икки хилдаги сут маҳсулотларини намойиш этдик. Ушбу цехни жорий йилнинг март ойида ишга туширдик. Бу йил тўқсон гектар майдонда ғалла етиштириб, давлат шартнома режасидаги 317 тонна ўрнига 325 тонна дон топширдик. Кўп тармоқли фермер хўжалигимизда беш юзга яқин чорва моллари ҳам парваришланмоқда. Айни кунда саксон нафарга яқин ишчи-хондими доимий иш билан банд. Яқинда беш нафар коллеж битирувчисини ишга қабул қилдик. Бундай танловлар ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашишга, янги тармоқларни ишга туширишга, шу юрт қорига ярайдиган, фидойи инсон бўлишга ундайди.

Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, университет профессор-ўқитувчилари, қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассислари иштирокида ўтган танлов доирасида фермер хўжаликларининг маҳсулотлар кўргазмаси ҳам намойиш этилди.

**Рустам КҶЧҚОРОВ**

Уста деҳқон қўлида оддий ер файзу барака маконига, тупроқ зарга айланади. Ёш фермер Мирзашохрух Дўстмуродов ер оламан, деҳқончилик қиламан деганида тажрибали фермерлар унга керакли маслаҳатларни беришди. Уларга амал қилган йигитнинг иши ҳам юришди.



## Тупроқ зарга айланади

Болалигидан меҳнатга, далаларга меҳр қўйиб улғайган қишлоқ фарзандининг ер билан тиллашиб, ишлаётганини кўриб қувонасиз. Бекободдаги «Жумабозор» фермерлар уюшмасига қарашли «Шунқорбек — Шохрухбек» фермер хўжалигининг қисқа фурсат ичида эл назарига тушиб бораётганлиги фикримизни исботлайди.

Бекобод техника-иқтисодиёт касб-хунар коллежининг бухгалтерия-иқтисод бўлимини муваффақиятли тамомлаган Мирзашохрух ҳеч иккиланмай тумандаги ўзи туғилиб ўсган Кушчи қишлоғи далаларига отланди. Пахтакорлар, тажрибали фермерларнинг меҳнатини синчковлик билан кузатди, деҳқончиликни ўрганди. Шу тарихи икки-уч йил мобайнида малакасини ошириб, фермерлик ҳадисини олди.

2013 йилнинг бошида ёш деҳқон тўқсон бир гектардан ортиқ ер олиб фермер хўжалигига асос солди. Албатта, фермерлик шунчаки оддий

иш эмас. Унинг ўзига яраша мураккаблиги ва масъулияти бор.

— Юртбошимизнинг «Фермерлар менинг энг яқин дўстларим», деган сўзлари доимо қулоғим остида жарағлаб туради. Бу деҳқонга берилган ишонч ва эътибор намунаси. Биз бу ишонччи ўзимизнинг фидокорона меҳнатимиз, азму шижоатимиз билан оқлашимиз керак, — дейди Мирзашохрух Дўстмуродов.

Дарҳақиқат, ишонч оқланаёпти, десак тўғри бўлади. Дастлабки йили ҳосил чакки бўлмади. Ўттиз уч гектар ер майдонига ғалла, эллик саккиз гектар ер майдонига эса пахта экилди. Фермер ихтиёрида мавжуд бўлган техника воситаларидан унумли фойдаланиб, агротехника қоидаларига амал қилган ҳолда иш олиб борди. Ернинг мелиоратив ҳолати тубдан яхшиланди. Шунга яраша қутилган ҳосил ҳам режадан ошқоқроқ бўлди. Биргина ғалланинг ўзидан ҳосилдорлик эллик центнерга етказилиб, давлатга юз

тоннага яқин сара дон топширилди.

Даланинг тобини, деҳқончиликнинг нозик жиҳатларини тушуниб етган Мирзашохрух етакчилигидаги заршунослар бу йил ҳам ўзгача ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Қирқ саккиз гектар майдонда ғалла етиштирган фермер хўжалиги давлатга 150 тоннага яқин сифатли дон топширди. Шартномадаги режадан ортиги эса фермер ихтиёрида қолди. Ҳалладан олинган ҳосилдорлик олтимиш центнердан ошиб кетди. Фермер хўжалиги учун биргина ғалланинг ўзидан ўттиз миллион сўм соф даромад олиниши қутилмоқда. «Ақл ёшда эмас, бошда» деганларидек, омилкорлик билан иш олиб борилса, кўзланган мақсадга эришилади.

Ана шундай эзгу ниятлар билан меҳнат қилаётган ёш фермерлар шижоати таҳсинга сазовор.

**Ашурали БОЙМУРОД,**  
**«Turkiston» мухбири**



## Инсофсизлик чегараси

Шанхайда асосан тез тайёр бўладиган таомлар пиширадиган «McDonald's», «Pizza Hut» ва «KFC» ресторанлар тармоғи анча вақтдан бери сифатсиз гўштдан фойдалангани маълум бўлди.

Натижада, асосан гўшт маҳсулотларидан кенг фойдаланадиган ресторанларга маҳсулот етказиб берувчи бир неча корхона фаолияти вақтинча тўхтатилди. Мамлакатнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ва даволаш воситалари сифатини назорат қилиш бўйича Шанхай бошқармаси айби тасдиқланган энг йирик гўшт тарқатувчи «Shanghai Hushi Co Ltd.» маҳсулотларини сотувдан чиқариш тўғрисида қарор чиқарди. Телевидение ҳам олиб борган текширувда фабрикада анча айниб, ҳидланиб, кўкариб кетган гўшлар ҳам қайта ишланиб, музлатилган ҳолда, янги истеъмол қилиш мuddати билан қадоқлангани аниқланган.

## «Apple» ва «Sony»дан янгилик

Яқин кунларда тақдим этилиши кутилаётган «iPhone 6» смартфонининг камераси ўн уч мегапикселга эга бўлиши маълум қилинди.

Авалги «iPhone 5s» учун эса саккиз мегапикселли камера ишлатилган эди. «Apple»нинг маълум қилишича, смартфоннинг янги камераси учун «Sony» компанияси ишлаб чиқарган «Sony Exmor IMX220» камера сенсори қўлланилади. Унинг ёрдамида янги аср видео тасвирлари деб қаралаётган «4K» даражадаги видеоларни суратга олиш имкони ҳам мавжуд. «Sony» ўзининг жорий йилда тақдим этилиши кутилаётган «Xperia Z3» смартфонидан ҳам шундай камера сенсори билан фойдаланмоқчи.

## Кубокка зарар етди

Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг бош соврини — олтин кубокка зарар етди.

Германия футбол федерацияси раҳбари Волфганг Нирсбах кубокнинг бир қисми немис футболчилари ғалабани нишонланаётган чоғда синиб тушганини айтди. Соврин мутахассислар томонидан қайта тикланади. Кубокка ким зарар етказгани эса маълум қилинмади.

Эслатиб ўтамиз, FIFA қоидаларига биноан, ҳақиқий кубок ташкилот биносида сақланади. Жаҳон чемпионати ғолибларига эса унинг нусхаси топширилади.

## Акула арслонни емоқчи эди

Австралиянинг ғарбий қирғоқларидан бўғизга йирик денгиз арслонининг қолдиқлари тикилиб қолган улкан оқ акуланинг танаси топилди.

Балиқ хўжалиги департаменти тахминларига кўра, йиртқич ўлжасини юта олмай, ҳалок бўлган. Ҳар ҳолда, йиртқичда жароҳат ёки касаллик белгилари аниқланмаган. Мутахассислар фикрича, йирик денгиз арслони йиртқичнинг ички органларини жароҳатлаган ёки нафас йўлини тўсиб қўйган. Шу туфайли акулага нафас етмай қолган бўлиши мумкин.

**Интернет манбалари асосида**  
**Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади**

## Shukrona

## Sport



## Интеллектуал спортчилар баҳси

Жорий йилнинг 1 — 15 август кунлари Норвегиянинг Тромсе шаҳрида 41-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси бўлиб ўтади. Унда юртимиз шарафини ўн нафар спортчи ҳимоя қилади.

Эрақлар терма жамоасида Рустам Қосимжонов (Тошкент), Антон Филиппов (Тошкент), Марат Жумаев (Самарқанд), Жаҳонгир Воҳидов (Самарқанд), Улуғбек Тиллаев (Тошкент) бўлса, аёллар терма жамоасидан Сарвиноз Курбонбоева (Сирдарё), Севара Боймуротова (Тошкент вилояти), Ирина Геворгян (Тошкент), Моҳинур Қаҳрамонова (Навоий), Ольга Собирова ўрин эгаллаган. Терма жамоалар бош мураббийи Фарҳод Собиров (Тошкент) ва Владимир Егин. Айти кунларда ўқув-машғулот йиғинлари бўлиб ўтмоқда.

## Таэквондочиларимиз зафарари

Жанубий Кореяда бўлиб ўтган таэквондо бўйича мамлакат очик чемпионатида ҳамюртларимиз бешта олтин медални қўлга киритишди.

Мусобақада дунёнинг етмишдан ортиқ мамлакатидан икки минг нафар спортчи иштирок этди. Таэквондонинг кёруги йўналишида ҳамюртларимиз Ниёз Пулатов, Саидолим Нўмонов, Шаҳбоз Шофайзиев олтин медални, Давлатжон Давронов, Нигора Турсункулова бронза медални қўлга киритди. Кадетлар ўртасида бўлган мусобақада эса Мадина Рўзиева, Никита Рафалович иккинчи, Ирода Миртожиева, Абдурахмон Зокиржонов, Олег Тай ва Наталья Маматова учинчи ўрин билан кифояланишди. Пумсе турида Мавлонжон Рустамов ва Нодирахон Шермухаммедова олтин медални, Мафтуна Толипова кумуш медални ва Баҳодир Аловхонов, Зафарбек Сатторов, Машрабжон Бозорбоев бронза медални қўлга киритишди.

Жавоҳир КАРОМАТОВ,  
«Turkiston» муҳбири

## ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

Қайси мутафаккир, шоир ва жамоат арбоби Оснэ кэти-асидан биринчи бўлиб Нобель мукофоти соҳиби бўлган?

Жавобингизни 26 июль соат 16.00 га қадар 233-79-69, 233-95-97 рақамларига қўнғироқ қилиб беришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби:

**В. Иссиқ, қайноқ.**

Тўғри жавобни биринчи бўлиб Қашқадарё вилоятидан Нилуфар Абдувасиева ҳамда поплик Гулбадан Дўстмуродова йўллади.

## YONDAFTARCHANGIZGA

Ижодкор ва ижод айна бир нарсанинг ўзидир. Бир бутун нарса ўз қисмлари ёрдамида мавжуд бўлганидек, қисмлар ҳам ана шу бир бутунлик асосида яшайди.

Леже-Мари Дешен

## Хурлик шодиёнаси

Бугун юртимизнинг қайси вилоятига борсангиз, байрам шукуҳи кезаётганлигига гувоҳ бўласиз. Мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллиги арафасида ташкил этилаётган бу каби тадбирлар қутлуғ шодиёна тараддудидан дарак бермоқда. Урганч шаҳрида бўлиб ўтаётган шундай тантана хоразмликлар ва вилоят меҳмонларини ҳам ўзига чорлади.



«Ёшлар кўли»... Нафис безатилган саҳна, хурликни мадҳ этувчи шўхчан куйлар, келганлар юзидаги табассум, барча-барчаси байрамнинг шодон дебочаси

бўлди. «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори битилган саҳна зумда барчанинг эътиборини ўзида

жамлади. Бир-бирдан қувноқ чиқишлар, дилхуш куйлар меҳмонлар завқу шавқини оширди.

Парвина ОМОНОВА,  
«Turkiston» муҳбири

## «TURKISTON» САВОЛ БЕРАДИ»

Медиа лойиҳамиз давом этади. Лойиҳа доирасидаги навбатдаги учрашув 2014 йилнинг 5 август куни «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар кенгаши раиси Элбек Шукуров билан бўлиб ўтади. Суҳбатдошимиз ҳақидаги маълумотларни www.kamolot.uz сайтида ўқишингиз мумкин.

Савол ва таклифларингизни savol@turkiston.uz электрон манзили ёки (+99871) 233-79-69 телефон рақами орқали кутиб қоламиз.

Энг қизиқарли савол ва таклиф муаллифларини совғалар кутмоқда. Ўз позициянгизни намойён этишга шошилинг.

«Кеча ва ...» (асар)						Фусун, жозоба, чирой					
«... ва чумоли» (масал)	Кўпайтма нусха		Боксдаги ҳолат		Одис сайёра		Қуршов	Ичи тешик «лағмон»		Мансаб, амал	
			...- сонда		Қулоққа лағмон ...					...- ризо	
Қандай қилиб, нима сабаб?	Қон берувчи киши						Мева тури, зардоли	Ичра, оралаб			
					Паришон-хотирлик касаллиги (рус.)						
Балиқ тури	Урф-одат, таомил						Аукцион-даги товар	Асал-нинг ҳам ... ширин			
Игна-баргли дарахт тури					Қарама-қарши маъноли сўзлар						

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов